

6. Бурнашев К.Г. Развитие инновационно-ориентированных кластерных структур. / Дис. канд. экон. наук. – М., 2014. С. 43.
7. Войнаренко М.П. Кластеры в институциональной экономике. Монография. – СПб.: АНО ИПЭВ, 2013. – 494 с.
8. Гафурова Ф.С. и Давлятова Г.М. (2019) Выявление и мобилизация резервов рационального использования ресурсов как фактор повышения эффективности производства. Проблемы современной науки и образования, (12-1 (145)), 52-55.
9. Мигранян А.А. Конкуренентоспособность и структурная перестройка экономической системы государства в условиях трансформации экономики Электронный ресурс. Режим доступа: <http://www.bali.osu.ru/umc/arhiv/2005/1/Migranyu.pdf>. свободный.
10. Porter M.E. On Competition. Boston: Harvard Business School Press, 1998.
11. Powerful dusters: Main Drivers of Europe's Competitiveness. Brussels, 17i1 October 2008.
12. Праздничных А. Особые экономические зоны – это не кластеры. / А.Праздничных. // Коммерсант. 2006. № 51. С. 50.
13. Суханова П.А. Индикативная оценка региональной инновационной системы с учетом кластерного подхода. Дисс... канд. экон. наук. Пермь. 2015.
14. Фишер С. Экономика. – М.: Издательство: Дело ЛТД, 1995. – 498 с.
15. Simmie J., Sennett J. Innovation in the London metropolitan region. // <http://discovery.ucl.ac.uk/112605>
16. Enright M.J. Survey on the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy: Competitiveness Program, University of Hong Kong, Sun Hung Kai, 2000. – 21 p.
17. <https://www.lex.uz> – O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.
18. <https://www.stat.uz> – Statistika qo'mitasi sayti.
19. Abdullayev R.V., Botirova N.Sh. O'zbekiston Respublikasida sanoatlashtirish jarayoni va uning istiqbollari. // Iqtisod va moliya. 2016-yil, 9-son, 26-35-betlar; Xolmatov N.B., Imomova N.A. O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirishning ilmiy-nazariy jihatlari. // Iqtisod va moliya. 2010-yil, 1-son, 21-24-betlar.
20. Ахмедов Т.М. и др. Концептуальные основы формирования экспорта-ориентированной стратегии экономики Республики Узбекистан в период до 2010 года. // Экономический вестник Узбекистана. № 1, 2000, стр. 8-15.
4. Гафуров Ш. и др. Промышленная политика: теория, опыт и применение в Узбекистане. // Экономическое обозрение. Август, 2000, стр. 5-7.
21. To'qimachilik sanoati uyushmasi ma'lumoti.
22. Quva tumanining statistik hisobotlari asosida muallif tomonidan shakllantirilgan.



**СANOAT ИҚТISODIЁТИДА ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРДАН  
Фойдаланишнинг Хориж Тажрибаси**

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a42](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a42)

**Комолов Садриддин Хайриддинович -  
Тошкент давлат техника университети  
таянч докторанти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада sanoat iqtisodiyoti rivojlangan turli mamlatlarda davlat darajasida amalga oshirilgan klaster siyosatining xoriж tajribasi baъn etilgan жамда innovacion klasterlarнинг nazariy ёндашувлари тахлил қилинган, klasterlarнинг rivojlanishi bosqichlari aniqlangan, Ўзбекистон sanoat iqtisodiyotiда илмий-инновацион klasterlarни shakllantirishi va rivojlantirishi dolzarблиги asoslab berilgan.

**Ключевые сўзлар:** sanoat iqtisodiyoti, klaster, klaster ёндашуви, innovacion, тармоқ, корхона, фармацевтика, рақобатбардошлик, мамлакатлар.

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫХ  
КЛАСТЕРОВ В ПРОМЫШЛЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ**

**Комолов Садриддин Хайриддинович -  
Базовый докторант Ташкентского  
Государственного Технического Университета**

**Аннотация.** В данной статье описывается зарубежный опыт реализации кластерной политики на государственном уровне в различных странах с развитой индустриальной экономикой, анализируются теоретические подходы инновационных кластеров, выявляются этапы развития кластеров, обосновывается актуальность формирования и развития научно-инновационных кластеров в Узбекистане.

**Ключевые слова:** индустриальная экономика, кластер, кластерный подход, инновации, сеть, предприятие, фармацевтика, конкурентоспособность, страны.

FOREIGN EXPERIENCE IN USING SCIENTIFIC AND INNOVATIVE CLUSTERS  
IN THE INDUSTRIAL ECONOMY

*Komolov Sadriddin Khairiddinovich -  
Basic doctoral student of Tashkent  
State Technical University*

**Abstract.** This article describes foreign experience in the implementation of cluster policy at the state level in various countries with developed industrial economies, analyzes the theoretical approaches of innovation clusters, identifies the stages of development of clusters, substantiates the relevance of the formation and development of scientific and innovation clusters in Uzbekistan.

**Keywords:** industrial economy, cluster, cluster approach, innovation, network, enterprise, pharmaceuticals, competitiveness, countries.

**Кириш.** Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган инновацион-инвестицион дастурлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инновацион инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш бўйича кўрилаётган чоралар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инновацион инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев фаол инвестиция сиёсати олиб бориш масаласини устувор йўналиш сифатида белгилар экан, “Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим. Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имкониятлар яратиш керак” [1] эканлигини таъкидлаб кўрсатди.

Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва илмий текшириш институтлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали Зангиота туманида замонавий технопаркни ташкил қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4574-сонли “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ташкил этиш тўғрисидаги қарори тасдиқланди [2].

Худуди 50 гектар, умумий қиймати 284 млн. долл. бўлган 12 та ўқув-илмий ва маъмурий объектлар қурилиши ва 6 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш орқали 1700 дан ортиқ янги иш ўринлари ҳамда Ўрта Осиёда ягона замонавий фармацевтика кластери ташкил этиш назарда тутилган.

Охирги икки-уч йилда илмий соҳа самарадорлигини ошириш ва тадқиқот ва ишланмалар

натижаларини иқтисодиёт ва жамият томонидан талаб қилинган интеллектуал маҳсулотга айлантириш мақсадида тайёрланган қатор стратегик ва лойиҳавий ҳужжатлар республикада илмий-инновацион фаолият ва технологик платформа ғоясини ташкил қилишнинг кластерли тамойилини амалга оширишни кўзда тутади. Замонавий илмий-технологик ва инновацион жараёни ташкил қилишнинг самарали воситаси сифатида хронологик жиҳатдан биринчиси тармоқ тамойили бўйича идоралараро ва фанлараро кооперациянинг эгилувчан шаклларида бири бўлган кластерлар таклиф қилинди [3].

Саноат иқтисодиётининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда кластерлардан фойдаланиш амалиёти Ўзбекистонда энди татбиқ этиш жараёнлари бошланмоқда. Саноат иқтисодиёти ривожланган илғор хорижий мамлакатларда кластерлардан фойдаланиш ўтган асрларда шакллана бошлаган. Бу мамлакатларда саноат иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида кластерлар шаклланган бўлиб, уларнинг қамрови баъзан мамлакатлар чегараларидан чиқиб, минтақавий ва халқаро даражага қадар етган. Кластерлар ҳудудлар ва тармоқлараро интеграцияни таъминлашнинг самарали дастагига айланиб улгурган. Шундай экан, саноат иқтисодиёти ривожланган илғор хорижий мамлакатларда кластерлардан фойдаланишнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш орқали тажрибаларни тадқиқ қилиш мамлакатда самарали иқтисодий сиёсат олиб боришга замин яратади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан кластер деганда, ҳудудий маҳаллийлаштирилган юридик шахслар ҳамда шартнома асосида ўзаро таъсирлашувчи ва қўшимча қийматлар яратиш жараёнида қатнашувчи яқка тадбиркорларнинг маъмуи тушунилади. Кластер ташаббускорлиги деганда, ташкилотнинг (яқка тадбиркорларнинг) ҳужжатли тасдиқланган маълум ҳудудда кластерни шакллантиришда кўмаклашиш ва унинг

иштирокчиси бўлиб чиқиш мақсади тушунилади.

Инновацион саноат кластери иштирокчилари инновацион ва юқори технологияли (илмий ҳажмдор) маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инновацион фаолиятни таъминлайдиган ва амалга оширадиган тузилмадир.

Шуни таъкидлаш керакки, “кластер” иқтисодий тушунчасининг муаллифи Гарвард бизнес мактабининг профессори Майкл Портер ҳисобланади.

Олим уни географик тамойил бўйича жамланган ўзаро боғлиқ компаниялар гуруҳи, ихтисослашган етказиб берувчилар (шу жумладан, хизматлар), тегишли тармоқлар фирмалари ва бошқа тақшилотлари (масалан, университетлар, стандарлаштириш агентликлари ҳамда савдо бирлашмалари) сифатида тасаввур қилган бўлиб, улар маълум соҳаларда ўзаро рақобатлашади, аммо шу билан бир қаторда, биргаликда иш ҳам олиб боради. М.Портернинг фикрича, ҳозирги вақтда рақобатбардошроқ тармоқлар кластер тамойили бўйича ривожланмоқда, кластерларни шакллантиришни қўллаб-қувватлаш эса умуман, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади [4].

М.Портернинг мулоҳазаларига кўра, “кластер” бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта корхоналарнинг тўпламидан иборат бўлган, яъни асосий воситаларни етказиб берувчилар, махсус хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, мол етказиб берувчилар, илмий тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ҳамда бошқа барча бир-бирининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган ва ўз навбатида, кластернинг ҳам ривожланишини таъминлайдиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатувчиларнинг жамланмасидир.

М.Портернинг таъкидлашича, қайси давлат ёки минтақада кластерлар ривожланган бўлса, ўша ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолининг турмуш фаровонлиги ва компанияларнинг рақобатлашуви ҳам юқори бўлади [5].

Шунинг учун ҳам кластер маънавий жиҳатдан таржима қилинганда, “биргаликда юксалиш” тушунчасини англатади. Кластерлар вертикал интеграцияланган тузилмалардан, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни ташкил этишга инновацион ёндашув, ихтисосликнинг эластиклиги, шунингдек, алоҳида корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқариш занжири доирасида мослаштириш билан фарқланади.

“The Cluster Initiative Green Book” тадқиқотлари муаллифлари томонидан ўтказилган дунёнинг турли минтақаларидаги 200 та кластер ташаббусларини махсус ўрганиш натижалари кўрсатишича, инновацион фаолият ва техно-

логияларни тарқатиш кластерларни тузиш ва фаолиятининг муҳим мақсадларидан биридир. Уни ўрганилган кластер ташаббусларининг 75 %ини амалга оширди. Бу ҳудудий кластерлаштириш хўжалик субъектларининг инновацион фаоллигини оширишга олиб келиши ҳақида хулоса қилиш имконини беради [6].

П.Маскеллнинг таъкидлашича, ўзаро боғлиқ тармоқларда фирмаларнинг биргаликда жойлаштирилиши кластерлар ҳосил бўлишининг асосий сабаби ҳисобланади, бу меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш ва инновацион ўзгаришлар орқали янги соҳаларни яратиш имкониятини кенгайтиради [7].

Кластерлар фаолияти самардорлигини таъминлашда стратегия мақсадига мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишни шакллантиришда, кластернинг умумий таркибий кўриниши ва кластер ичидаги рақобат муҳити ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кластер юқори натижа бериши учун барча иштирокчиларни ҳамкорликка бўлган ишонч орқали шаклланиб, амалга ошириладиган ягона стратегия бирлаштириши лозим, чунки кластер асосида ўзаро ҳамкорликлар кўпроқ маъмурий муносабатларнинг шартномавий муносабатларга алмаштирилиши билан тавсифланади.

Кластерларда юқори ташкилотчилик даражаси Ф.Фукуяманинг фикрича, кластернинг миллийлигига боғлиқ, яъни мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг фаолиятларини ташкил этишлари билан ажралиб туради. Масалан, АҚШ, Германия, Японияда бизнеснинг корпоратив шаклларга интилиб ривожланиши кузатилса, Италия ва Хитойда эса яқка тартибдаги тадбиркорлик, кичик бизнес ва шу жумладан, оилавий бизнес шакллари таянилади [8].

Умуман олганда, кластерда умумий “иқтисод” ёки тежамкорлик устуворликларидан фойдаланишдан ташқари ўзлари учун устуворликлар яратишга интилиш ҳам мавжуд. Масалан, умумий сервис хизматларини ташкил этиш, хомашёларнинг умумий харидини таксил этиш, янги ишлаб чиқариш линияларини ҳамкорликда харид қилиш, ҳамкорликдаги таълим лойиҳаларини ташкил этиш, маҳсулотга нисбатан ҳамкорликда ягона стандартларни ишлаб чиқиш, умумий маркетинг лойиҳаларини ташкил этиш, ҳамкорликда янги бозорларга чиқиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу кабилар.

М.Портернинг “Рақобат” деб номланган асарида кластерлар фаолиятининг классик шакллари мисол тариқасида келтирилган, уларга Нидерландияда гулларни етиштириш кооперативларининг ташкил этилганлиги, жумладан, ушбу кластер томонидан гулларни катта ҳажмда ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш хи-

собига Голландиянинг гуллар кластери рақобатбардошлиги таъминланади [9].

Яна бир мисол, Германияда вино ишлаб чиқаришга ихтисослашган кластери “Saale-Unstgur” бўла олади. Ушбу кластер таркибида 44 та корхона фаолият юритади ва уларнинг ўзаро ички бозорда кучли рақобат курашларига қарамасдан, ташқи бозорларда умумий маркетинг сиёсатини амалга оширади [10].

Кластерда фаолият кўрсаткичи ишлаб чиқариш тузилмалари фаолияти кўрсаткичларининг қийматларини иккита ҳолатда таққослаш улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш йўналишларидан бири ҳисобланади: кластернинг мавжуд бўлиши ёки ишлаб чиқариш тузилмалари фаолиятининг мустақиллиги, бу айрим тадқиқотчилар томонидан таклиф этилаётган кластерларни шакллантириш самарадорлигини баҳолашга нисбатан ёндашувларга мос келади [11].

Кўрсаткичлар қийматларида юзага келган фарқ рақобат устунликларининг юзага келиши, ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги, инвестицион лойиҳаларнинг биргаликда амалга оширилиши жараёнида трансакция харажатларининг пасайиши оқибатида синергетик самаранинг пайдо бўлиши натижаси сифатида талқин этилиши мумкин [12].

Янгидан ташкил этилаётган кластерларда ишлаб чиқариш тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда бундай ёндашувнинг қўлланиши асосланган. Махсус адабиётларда кластерларни ташкил этиш учун ишлаб чиқаришлар ва саноат тармоқларининг ривожланишини ялпи баҳолаш таклиф этилган [13].

Ишлаб чиқаришлар ва саноат тармоқларини ривожланган ва камроқ ривожланган турларга таснифлаш ўрганилаётган ишлаб чиқаришлар фаолиятини тавсифловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ва жойлар йиғиндиси усулини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган ялпи мезон асосида амалга оширилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез усуллари, эмпирик таҳлил натижаларидан, тизимли ва мажмуавий ёндашув, таҳлил учун статистик усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Илмий-инновацион кластерлардан фойдаланишнинг мамлакат томонидан бошқарилишининг бир қанча моделларини кўриб ўтамиз. Европа Иттифоқида энг муваффақиятли ривожланишга мисоллар – кичик мамлакатлар ичида – Австрия (айниқса, Юқори Австрия ерида кластер ташаббуси, бу ерда “кластер” атамаси минтақа нуфузини яхшилаш ва маҳаллий корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун “бренд” сифатида самарали фойдаланилади),

Буюк Британия (Шотландия), Испания (Каиалония), Германия (Шимолий Рейн-Вестфалия), Марказий-шарқий Европа мамлакатлари ичида Словенияда кластер ташаббусларини ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик энг самарали амал қилди. Хусусан, 2008 йилда Словения ҳукумати томонидан мақсадли молиялаш учун танлов асосида 11 та кластер ташаббуси танлаб олинди, улар ичида учта кластерни энг ривожланган кластерлар дейиш мумкин, булар: автомобиль, ускунасозлик ва транспорт-логистик [14].

Чет эл амалиётида Тулуза ва Аризон аэрокосмик саноат оптик ишлаб чиқариш кластерлари ўзини ўзи кластер асосида самарали ташкил этишга яққол мисол бўлади. Улар ҳар бир кластерда тахминан 35000 та қўшимча иш ўрни ташкил этиш ҳамда маҳсулот сифатини рақобатбардошликнинг юқори даражасига олиб чиқиш имконини беради, бунинг натижасида 15 йил ичида сотувлар ҳажми 3,4 марта ошди [15].

Буюк Британияда ҳукумат инновацион кластерларни молиялаш фондини ташкил этиш учун 30 млн. доллар ажратди ва Эдинбург, Оксфорд ва Жанубий-Шарқий Англия атрофидаги ҳудудларни биотехнологик фирмаларни жойлаштириш учун асосий минтақалар сифатида белгилади. Норвегияда ҳукумат “Денгиз хўжалиги” кластерида фирмалар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради. Данияда рақобатбардошлик доирасида умуммиллий даражадаги 16 та ва минтақавий даражадаги 13 та кластер ажратилди. Уларнинг ҳар бири учун кластерлар таркибига кирувчи фирмалар билан турли даражалардаги ҳокимиятлар ўртасидаги мулоқот жараёнида муайян қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилди. Австрияда ҳам миллий инновацион-тадқиқот дастури (ГІР) ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот институтлари билан саноат сектори ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш сиёсати, инновацион дастурлардаги тартибга солувчи тўсиқларни камайтириш, кластерларни ихтисослаштириш ва рақобатбардошлик марказларини шакллантириш унинг муҳим омили бўлди [16].

Финляндияда фаол давлат саноат сиёсатининг амалга оширилиши доирасида бозорда ишлаб турган ресурсга йўналтирилган ўрмон кластерига муқобил вариант сифатида ахборот ва телекоммуникация технологиялари кластери шакллантирилди. Лекин кластер маҳсулотининг катта қисми охириги йилларда жаҳон корпоратив рейтингларининг чўққисига чиққан биргина Nokia компанияси томонидан ишлаб чиқарилади, ушбу кластер доирасида ташкил этилган тизимлар – таълим, инновацион, ўзаро боғлиқ ишлаб чиқаришлар ва хизматлар тармоғи мустақил аҳамиятга эга бўлиб, барқарор ра-

қобат устунликларини ривожлантириш учун шароитлар яратади. Мазкур кластернинг 2015 йилгача прогноз қилинган ривожланиш суръатлари бир йилда 8,1 фоизни ташкил қилиб, бу иқтисодиётнинг кутилаётган ривожланиш суръатларидан 2,5 марта (3,2 %) юқори [17].

Шундай қилиб, бугунги кунда кўплаб мамлакатлар давлат дастурларини ишлаб чиқиб, кластерларни “етиштириш” учун катта миқдорда молиявий харажалар қилмоқда. Бундай дастурларни Европа Иттифоқининг деярли барча мамлакатлари ишлаб чиқди. Улар Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда инновацион кластерлар асосида АҚШ ва Япония иқтисодиётлари кўрсаткичларидан юқори рақобатбардошликни таъминлашга қодир бўлган билимлар иқтисодиётини жорий этиши мақсадида Лиссабон стратегиясининг қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон бизнесининг ривожланишида халқаро кластерлар, шу жумладан, алоҳида минтақалар доирасидан ташқарига чиқувчи кластерлар сонининг тобора кўпайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Масалан, Европа мақомига эга бўлган кўплаб кластерлар халқаро даражага чиқишга интилмоқда. Бу, асосан, халқаро ва трансчегаравий лойиҳаларга тааллуқли.

Француз фармацевтик кластери Луи Пастер университети орқали Канаданинги “Invivo” кластери билан ҳамкорлик қилади. Бундай ҳамкорликдан кўзланган мақсад ушбу кластерлар учун Шимолий Америка ва Европада истиқболли сотиш бозорларини топишдан иборат [18].

Европа иқтисодиёти учун ишлаб чиқариш кластерларини ривожлантиришнинг аҳамияти шундан иборатки, ўтган асрнинг 90-йилларида саноатни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (UNIDO) хусусий секторни ривожлантириш бўйича бўлим (Private Sector Development Branch) ёрдамида Европа мамлакатлари ҳукуматлари ва Европа хусусий бизнесининг кластерлар ҳамда кичик корхоналар тармоқларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ўзаро ҳамкорлик қилишига ёрдам бериш учун бир қатор тавсияларни тайёрлади [19]. 2006 йил июлда Европа Иттифоқи томонидан “Европа Иттифоқи мамлакатларида кластерлаштириш Манифести” маъқулланиб, қабул қилинди, 2007 йил декабрда “Европа кластер Меморандуми” маъқулланиб, тасдиқлаш учун тақдим этилди ва 2008 йил 21 январда Стокгольмда Европа инновациялар ва кластерлар бўйича президентлар конференциясида тасдиқланди [20]. 2009 йил 7-10 майда Прагада бўлиб ўтган “Шарқий ҳамкорлик” мавзусидаги Европа Иттифоқи Саммити Европа-

нинг ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларида кластерлаштириш жараёнларининг амалга оширилишига ёрдам берди [16]. Қабул қилинган ҳужжатларнинг асосий мақсади алоҳида мамлакатларнинг ҳам, Европа Иттифоқининг ҳам рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатишга қодир бўлган кластерлар сонини оширишдан иборат.

Хитойда кластер сиёсати муниципал ҳокимиятлар томонидан марказий ҳукуматнинг розилигида алоҳида юқори технологик тармоқлар ҳудудлари ташкил этилиши билан боғлиқ. Марказий ҳукуматнинг ўзи ҳам мутлақ имтиёзлардан фойдаланувчи фирмаларни танлаб олади. Бундан ташқари у бизнес ва университетлар ҳамкорлиги ўз технологик инновацияларининг пайдо бўлишида, маҳсулотнинг технологик даражасини оширишдаги ролини англаб етган ҳолда ушбу ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантиради. Бундай ҳамкорликни ташкил этишдаги муваффақиятларга ҳозирча айрим тармоқлардагина (масалан, ахборот ва биотехнологияларда) эришилади. Ушбу тажриба бошқа соҳаларга ҳам тез ёйилмоқда [21].

Хитой ва ривожланган мамлакатлар иқтисодиётлари ўртасидаги фарқни қисқартириш мақсадида маҳсулотнинг технологик даражасини ошириш, маҳаллий инновацияларни ривожлантиришга муҳим аҳамият берган ҳолда мамлакат ҳукумати томонидан университетларда технологияларни лицензиялаш офисларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қадам бизнес билан академик муҳитнинг ҳамкорлигини фаоллаштириш, тадқиқот иши натижаларини тижоратлаштириш ва рақобатни кучайтиришга кўмаклашишга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, кластер тузилмаларининг самарадорлигини таҳлил қилиш кластер моделини кластернинг қуйидаги олти таърифни ҳисобга олган ҳолда тузишини назарда тутади:

- кичик бизнес;
- инновациялар;
- етакчи фирма;
- байналминаллашув;
- кластер фирмалари ўртасидаги рақобат;
- тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар.

Бундай анъанавий ёндашув илмий муҳитда кластер тузилмаларини таҳлил қилишга нисбатан мамлакат нуқтаи назаридан ёндашиш сифатида маълум. Бундан ташқари кластерларнинг умумий белгиларини ҳам, ушбу кластернинг ўзига хос жиҳатларини ҳам, шунингдек, фирмаларнинг кластер ичидаги ўзаро алоқалари механизmlарини аниқлаш имконини берувчи жараёнли ёндашув ҳам мавжуд.

Таҳлилларга кўра, инновацияга асосланган кластерларнинг иқтисодиёти ривожланган

ёки ривожланаётган мамлакатларда ташкил этилган асосий йўналишлари турличадир. Ушбу муносабатдан уларнинг тизимлаштирилиши жаҳонда ривожланаётган инновацион кластер-

ларнинг йўналишларини аниқлашга ёрдам беради, бу эса Ўзбекистонда ҳам мавжуд йўналишларда инновацион кластерларни яратиш имкониятидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

**Инновацияга асосланган кластерларнинг иқтисодийети ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларда ташкил этилган асосий йўналишлари [22]**

№	Мамлакатлар	Инновацияга мослашган кластерларнинг ташкил этилган тармоқлари
1.	<b>АҚШ</b>	1. Аэрокосмик ишлаб чиқариш. 2. Авиасозлик. 3. Энергетика. 4. Автомобилсозлик. 5. Электромухандислик. 6. Биотехнология
2.	<b>Финляндия</b>	1. Электромухандислик. 2. Агросаноат. 3. Қурилиш. 4. Дарахтни қайта ишлаш
3.	<b>Дания</b>	1. Фармацевтика. 2. Соғлиқни сақлаш. 3. Энергетика
4.	<b>Буюк Британия</b>	1. Биотехнология. 2. Кимё воситалари
5.	<b>Германия</b>	1. Автомобилсозлик. 2. Биотехнология. 3. Нефтьгаз комплекси. 4. Энергетика
6.	<b>Хитой</b>	1. Микроэлектроника. 2. Аэрокосмик ишлаб чиқариш. 3. Биотехнология. 4. Автомобилсозлик. 5. Энергетика
7.	<b>Канада</b>	1. Биотехнология. 2. Телекоммуникация. 3. Соғлиқни сақлаш
8.	<b>Япония</b>	1. Роботсозлик. 2. Микроэлектроника. 3. Энергетика. 4. Автомобилсозлик

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, инновацияга асосланган кластерлар сон жиҳатидан АҚШ (6 та), Финляндия (4 та), Германияда (4 та) ташкил этилган бўлса, эътиборлиси, иқтисодийети ривожланаётган Хитой ва АҚШдан қолишмаган ҳолда (5 та) инновацияга асосланган кластерлар ташкил этилган. Шу билан бирга белгилаш лозимки, фикримизча, Ўзбекистонда ҳам юқорида келтирилган йўналишлардан бири бўлган фармацевтика саноати тармоғида яратиш имкониятлари мавжуд. Бунга асосий сабаб мустақиллик йилларидан бошлаб соҳада амалга ошириб келинаётган туб таркибий ислохотлар бугунга келиб ўз самарасини бермоқда, ушбу эришган ютуқларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4574-сонли ““Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш

тўғрисида”ги қарорига асосан мамлакатимизда фармацевтика саноати тармоғи иқтисодийетини такомиллаштириш ва ривожлантиришда кластерларнинг шакллантирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Албатта, юқорида таҳлил қилинган мамлакатларда белгиланган тармоқларда инновацион кластерларнинг шаклланиши ва ривожланишида давлатнинг роли каттадир ва бунга ҳар бир мамлакатда турлича ёндашувлар бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, саноат иқтисодийетида илмий-инновацион кластерлардан фойдаланишнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, бу жараён баъзи мамлакатларда муваффақият билан амалга оширилган бўлса, айримларида салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Фикримизча, саноат иқтисодийетида кластерларнинг ташкил этилиши ва фаолият турларидан қатъи назар уларнинг барчаси охир-оқибатда илмий-инновацион кластерларга

айланиш имкониятларига эгадир. Чунки кластер доирасида илмий ғояларнинг қўлайишига ҳам сабаб бўлади ва натижада, ўзаро алоқадорликда бўлган инновацион корхоналарда маҳсулот ёки технологияга тезликда ўзгартириш кiritиш имконияти пайдо бўлади. Шу ўринда кластернинг муҳим устуворликларидан яна бири шундан иборатки, унинг таркибидаги корхоналарнинг бошқа корхоналар инновацияси ҳисобига рақобатбардошлиги ортади.

Ҳозирги айна замонда саноат ривожланган мамлакатларга таълуқли бўлган илмий-инновацион кластерларни иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин ва мазкур мамлакатларда ташкил этилган илмий-инновацияга асосланган кластерларнинг тизимлаштирилиши натижасида жаҳонда тобора ривожланаётган илмий-инновацион кластерларнинг йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Шундан келиб чиққан ҳолда хулоса шакллантириш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторидан бир бўлган фармацевтика саноати тармоғида ҳам илмий-инновацион кластерларни яратиш имкониятлари мавжуд. Чунки мустақиллик йилларида мазкур соҳада амалга ошириб келинаётган туб таркибий исло-

ҳотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини кўрсатмоқда, ушбу эришилган ютуқларни янада тақомиллаштириш ва ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда илмий-инновацион кластерларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ҳозирги кунда барча саноат тармоқлари кластерларни қўллаш бўйича биринчи қадамларни қўйишни бошламоқда. Шундан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни тавсия этамиз:

- саноат иқтисодиётининг бошқа соҳалар билан алоқаларини кучайтириш;
- тенологик тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш;
- илмий тадқиқот фалятини яхшилаш мақсадида давлат томонидан илмий грантларнинг сонини ошириш;
- саноат тармоқларида кластерларни шакллантириш жараёнида хориж таржрибаларидан оқилона фойдаланиш орқали тармоқ ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори кўрсаткичларга олиб чиқиш.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабдаги Парламентга Мурожаатномаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-4574-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4714160/>.
3. Яшева Г. Кластеры в белорусской экономике. // Наука и инновации. 2012, № 8. С. 34-36. № 9. С. 28-30.
4. Портер М. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. – М., 1993.
5. Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. / М.Портер. – М.: Изд.дом «Вильямс», 2006.
6. Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative Green Book, 2003.Электронныйресурс: <http://www.cluster-research.org>.
7. Maskell P. Building global knowledge pipelines. The role of temporary clusters [Journal]. // European Planning Studies. 2006. 8: Vol.14.997-100 page.
8. Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и сотворение благоденствия (пер.с.англ. А.Эткинд). // «Неприкосновенный запас». 2001. № 2(16). С. 23. URL: <http://magazines.russ.ru/nz/2001/2/fook.html>.
9. Портер М. Конкуренция. / Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. С. 239-330.
10. Грушевский Д.В. Бизнес-кластер Salle-Unstrur, Жак Аталли и постсоветская ментальность. // Стратегия и тактика управления предприятием в переходной экономике: межвузовский сб. научн. трудов. – Волгоград, 2006. С. 13.
11. Лаврикова Ю.Г. Кластеры: стратегия формирования и развития в экономическом пространстве региона. / Ю.Г.Лаврикова. – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2008. С. 232.
12. Меньшенина И.Г. Формирование кластеров как механизм обеспечения конкурентоспособности региона. / И.Г.Меньшенина. Режим доступа: [http://www.usure.ru/news\\_events/files/nich/2007/conf671/](http://www.usure.ru/news_events/files/nich/2007/conf671/).
13. Георгиева Н.Н. Методические аспекты формирования отраслевых кластеров в экономике региона; Егоров С.А. Промышленный кластер как развития форма производственной кооперации. // Проблемы современной экономики. 2008. № 3(27). Режим доступа: <http://www.m-economy.ru/art.php3?artid=26329>
14. Solvell O., Lindqvist G., Ketels Ch. The Cluster Initiative Greenbook. The Competitiveness Institute. / VINNOVA, Gothenburg, 2009.
15. Дмитриева Л.В. Кластер как эффективный механизм взаимодействия различных участников инновационных процессов. Томский кластер развития образования. Электронный ресурс: <http://cluster.archipelag.ru>
16. Ленчук Е.Б., Власкин Г.А. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран. // Экономический портал – экономика России и мировая экономика [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://institutions.com/contact.html>.
17. Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative Greenbook. The Competitiveness Institute. / VINNOVA, Gothenburg, 2003.
18. DGCIS Competitive Clusters in France. General Directorate for Competitiveness, Industry and Services. Электронный ресурс: [www.industrie.gouv.fr/poles-competitive/brochure-en-html](http://www.industrie.gouv.fr/poles-competitive/brochure-en-html); DohseD., StaehlerT. BioRegio, BioProfile and Rase o the German Biotech Industry. // Working paper № 1456. Kiel, Germany, 2008.
19. European Commission Innovation Clusters in Europe – A Statistical Analysis and Overview of Current Policy Support (2006). Luxembourg: Office for Official Publications of the European Communities.
20. Powerful dusters: Main Drivers of Europe's Competitiveness. Brussels, 17il October 2008. [http://ec.europa.eu/enterprise/innovation/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/enterprise/innovation/index_en.htm).
21. Пугачева Н.Б., Баранов Ю.А. Зарубежный опыт кластеризации: исторический аспект. Электронный ресурс: <http://dom-hors.ru/issue/fik/2013-2/pugacheva-baranov.pdf>.
22. Бурнишаев К.Г. Развитие инновационно-ориентированных кластерных структур. / Дис. канд. экон. наук. – М., 2014. С. 43-44.